



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 20 декабрь, № 267 (9162)

Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯПОНИЯГА ТАРИХИЙ ТАШРИФНИНГ БИРИНЧИ КУНИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари 19 декабрь куни “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти давлат раҳбарларининг биринчи саммити доирасида Япония Императори Нарухито, Парламент раҳбарияти, ҳукумат аъзолари ва етакчи компаниялар, молия институтлари ҳамда бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

қайтмас ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбек ва япон халқлари географик жиҳатдан бир-бирдан олис бўлишига қарамай, уларни менталитетлар, урф-одатлар ва оилавий қадриятлар ўхшашлиги, шунингдек, илдизлари Буюк Ипак йўли даврига бориб тақаладиган кўп

Жорий ташриф доирасида Токиода Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Келгуси йили Япониянинг бир неча шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ва тарихига бағишланган археологик кўргазма ташкил этилиши режалаштирилган.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Император Нарухитога Ўзбекистонга

сессияда фаол иштирок этдилар.

Ёшларнинг парламентга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, Ўзбекистон — Япония ёшлар парламентлари аъзолари форумини ўтказиш ҳамда 2026 йилда Самарқандда бўлиб ўтадиган Ёшлар парламентлари аъзолари глобал конференциясида Япония делегациясининг иштирок эти-

дан, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат парламент делегациялари ўртасидаги ўзаро ташриф ва учрашувлар фаол тус олгани катта мамнуният билан қайд этилди. Парламентларда дўстлик гуруҳлари фаол иш олиб бормоқда. Май ойида Токиода навбатдаги парламентлараро

лакатлари билан дўстлик лигаси раиси Таро Асо билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, парламентлараро йўналишда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Дўстлик лигаси, айниқса, унинг раиси Таро Асонинг Ўзбекистон билан



Президентимиз Японияга расмий ташрифини Император Нарухито билан учрашувдан бошлади.

Япония Императори давлатимиз раҳбарини самимий қутлар экан, Ўзбекистон Президентининг бу галги ташрифи Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз етакчиси Император Нарухитога чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, Янги Ўзбекистондаги орта

асрлик тарихий алоқалар боғлаб тургани таъкидланди.

Икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувлар соҳасида изчил кенгайтириш бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунга қадар 3 мингдан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар Японияда амалиёт ўтади, 440 нафардан зиёди эса стипендия асосида олий маълумотга эга бўлди. Ўзбекистондаги 7 та университетда япон тили ўқитилмоқда.

расмий ташриф билан келишни тақдир қилди.

Япония Парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти Масаказу Секигучи билан учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлар муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Маслаҳатчилар палатаси вакиллари жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150 йиллигига бағишланган

шига алоҳида эътибор қаратилди.

Парламентлар олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши муҳимлиги таъкидланди.

Япония Парламентининг Вакиллар палатаси спикери Фукуширо Нукага билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали, жумла-

форум муваффақиятли ўтказилди.

Парламентларнинг кўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Япония префектуралари ассамблеялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Япония Либерал-демократик партияси вице-президенти, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ва шу билан бирга Марказий Осиё мам-

лакатлари билан дўстлик лигаси раиси Таро Асо билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, парламентлараро йўналишда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Дўстлик лигаси, айниқса, унинг раиси Таро Асонинг Ўзбекистон билан

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Тақдимот

Ўзгариб бораётган Ўзбекистон қиёфаси

Исломобод шаҳрида Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси томонидан Минтақавий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китобининг инглиз тилидаги наشري тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда Покистон Президентининг Матбуот котиби Муртазо Саланги, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, парламент

аъзолари, ушбу мамлакатдаги дипломатик корпус вакиллари, бизнес ҳамда илмий-академик доиралар, оммавий ахборот воситалари

ри ходимлари қатнашди. Тақдимот аввалида Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнига бағишланган видеороликлар намойиш этилди.

Анжумани Ўзбекистоннинг Покистон Ислам Республикасидаги элчиси Алишер Тўхтаев очди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

19 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи

мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини сенатор-

лар “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти тақомиллаштирилганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқишдан бошлашди.



ЯПОНИЯГА ТАРИХИЙ ТАШРИФНИНГ БИРИНЧИ КУНИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашув якунида 2026 йилда навбатдаги Парламентларо форумни Ўзбекистонда ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан дўстлик лигаси 2002 йилда ташкил этилган ва ҳозирги пайтда унинг аъзолари сонини 40 нафардан ошган. Улар орасида Япониянинг таниқли сиёсат арбоблари, нуфузли депутат ва дипломатлари бор.

Япония иқтисодиёт, саноат ва савдо вазири Рёсэй Акава билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳаларни илгари суришининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари жадал ўсиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Сўнгги йилларда қўшма корхоналар сонини 10 баравар, амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 20 миллиард доллардан ошди.

Савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, муқобил энергетика, карбонсизлантириш, ўта муҳим хомашё каби кўплаб соҳаларда саноат кооперациясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун вазирлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия тузиш муҳим экани таъкидланди.

Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) ва МДХ мамлакатлари билан савдо бўйича ассоциациясининг (ROTOBO) фаол иштирокида ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастурига мувофиқ, ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари, молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Рёсэй Акава, "Sojitz", "Sumitomo", "Toyota", "TOCHU", "Mitsubishi", "Marubeni", "Daito Trust Construction", "NEC", "SBI Holdings", "Ajinomoto", "Japan Tobacco", "Hitachi", "Mitsui", "Balcom", "NEC", "Eurus Energy", "Chubu Electric Power", "Shikoku Electric", "Shimizu", "Nankyu Travel International", Япония металл ва

энергетика соҳасида хавфсизлик ташкилоти (JOGMEC), Япония халқро ҳамкорлик банки (JBIC), Япония халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония экспорт ва инвестицияларни сугурталаш компанияси (NEXI), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Япония МДХ мамлакатлари билан савдо бўйича ассоциацияси (ROTOBO), "Norinchukin" ва "SBI Shinsei" банклари, Япония сайёҳлик агентликлари ассоциацияси каби йирик корпорациялар ва молия институтларининг топ-менежерлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари учрашув иштирокчиларига мурожаат қилар экан, япон ишбилармонларининг бундай нуфузли таркиби томонларнинг бир-бирига бўлган юксак ишончи ва иқтисодий шериклигини янада ривожлантиришга доимий қизиқишидан далолат эканини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги мазмун касб этди.

Япония компаниялари илгари, асосан, пудрат лойиҳаларида иштирок этган бўлса, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига фаол инвестиция қилириб, қўшма корхоналар яратмоқда, бошқарув, технологиялар трансфери ва миллий кадрларни тайёрлашга ўз хиссасини қўшмоқда.

Сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган мазкур ўзгаришлар натижасида Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ва технологик шерикларидан бирига айланди.

Савдо-иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ижобий суръат кузатилмоқда: охириги саккиз йилда товар айирбошлаш 2 баравар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган япон компанияларининг сонини эса 10 карра ошди.

Энергетика, соғлиқни сақлаш, геология, ахборот технологиялари, инфратузилма ва бошқа устувор соҳаларда мустаҳкам кооперация ўрнатилди.

Учрашувда Президентимиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, сўнгги 8 йил ичида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 2 бараварга ошди. 2030 йилга қадар мамлакатни ўрта даражадан юқори даромадли давлатлар қаторига киритиш вазифаси қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Япония ишбилармонларини саноатлаштириш тезлаштириш, илгор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экспорт қилиши

ни кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этишга таъкид қилди.

Шу маънода, Япония ишбилармон доиралари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Энергетик барқарорликни таъминлаш ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ва захиралаш тизимларини ривожлантириш, иқтисодиётда "углерод изи"ни камайтириш шулар жумласидан.

Қўшилган қийматнинг тўлиқ занжирини шакллантирган ҳолда ўта муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, машинасозлик ва саноат ускуналарини ривожлантириш, замонавий юқори технологияли саноатлашган иқтисодиётни шакллантириш истиқболли йўналишлар қаторида қайд этилди.

Ахборот технологияларини ривожлантириш, жумладан, сунъий интеллект ва рақамлаштириш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим йўналиш — замонавий махсус иқтисодий зоналарни яратиб, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш орқали уларни юқори технологияли ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳамда саноат кооперацияси марказларига айлантириш.

Мисол учун, "JICA" кўмагида Япония модели ва стандартлари асосида махсус иқтисодий зона барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сузининг якунида Ўзбекистон Японияни нафақат инвестор, балки келажак саноатини барпо этишда ўзининг стратегик ҳамкори сифатида билишини таъкидлади.

Ўз навбатида, Япония ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга қатъий интилишини билдирди ҳамда устувор йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш борасидаги режаларини баён этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва вазири Рёсэй Акава иштирокида икки томонлама битимларни амалга ошириш маросими бўлди.

Япония халқро ҳамкорлик банки (JBIC) бошқарувчиси Нобумицу Хаяси билан учрашувда мазкур етакчи мо-

лиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорликдаги ижобий суръат мамнуният билан қайд этилди. Лойиҳаларнинг умумий портфели 5 миллиард доллардан ошган ҳамда нефть-кимё, энергетика, телекоммуникациялар, инфратузилма, энгил саноат ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Энергетика, транспорт, АТ инфратузилмасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳаларни сифатли тайёрлаш ҳамда бошлангичларнинг натижадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий секторни ривожлантиришга инвестицияларни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Ўз навбатида, Нобумицу Хаяси шериклик натижаларини юқори баҳолади ва Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Токиога расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Япония халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Акихико Танака билан музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Япониянинг ушбу етакчи молия институтини билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суришининг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда стратегик шерикликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Лойиҳалар доирасида маблағларни ўзлаштириш суръати сезиларли даражада ўсди.

Лойиҳалар портфели 8 миллиард доллардан ошди. Соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, таълим, саноат ва бошқа устувор соҳаларда яна 3 миллиард доллардан ортиқ қийматга эга ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда.

Ташриф доирасида иқтисодий зоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича янги келишувлар имзоланди.

Япония томони қўшма Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ва Ёшлар инновация маркази фаолиятини кўп йиллардан буён қўллаб-қувватлаб келаётгани юқори баҳоланди.

Агентликнинг энергетика секторини ривожлантириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва камбағалликка қарши курашиш, илгор муҳандислик кадрларини тайёрлаш ҳамда "Бир қишлоқ — битта маҳсулот" лойиҳаси қўламини оширишдаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар Япония инвесторлари учун махсус иқтисодий зона барпо этиш лойиҳасини тез фурсатларда ишга туширишга тайёр эканини билдирди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари "JICA" билан 2030 йилга қадар Янги ҳамкорлик дастури доирасидаги лойиҳаларни ўз вақтида тайёрлаш ва уларнинг натижалари барқарор бўлишини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари "Sojitz Corporation" раҳбарлари Масаёши Фудзимото ва Косуке Уэмура билан қўриб келди. Япониянинг етакчи компанияси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Электр энергиясига бўлган талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Сирдарё вилоятида буғ-газ электр станциясини барпо этиш лойиҳасини жалдлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Кўп тармоқли шифохона, Тошкентнинг янги халқро аэропорти, шамол электр станциясини қуриш ва бошқа устувор лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тиббиёт клиникалари ҳамда мактаб-гача ва мактаб таълими муассасаларини модернизация қилиш, трансчегаравий "яшил" энергия йўналиши барпо этиш, мамлакатимиз ҳудудларида газ компрессор станцияларини янгилаш, шунингдек, япон инвесторлари учун махсус иқтисодий зона яратишда корпорациянинг иштирок этиши бўйича ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Япониянинг "JOGMEC" ва "TOCHU" ташкилотлари раҳбарлари Ичиро Такакура ва Джун Иномата билан учрашувда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва Япониянинг энг илгор технологияларини қўллаган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

"JOGMEC" "TOCHU Corporation" билан биргаликда Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги уран конларини ўзлаштиришда иштирок этаётгани юқори баҳоланди. Компанияларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги истиқболли конлардан қимматбаҳо металлургия қазиб олиш режалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва "ITOCNU" корпорацияси машинасозлик, геология ва инфратузилма соҳаларида кўп йиллик ҳамкорлик тажрибасига эга. Японияга ўта муҳим минералларни экспорт қилиш бўйича узоқ муддатли келишувларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Сўзни тозалаш, автомобилсозлик, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини модернизация қилиш ҳамда ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш каби ҳамкорликнинг янги йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги ишбилармонлик тадбирлари доирасида "Sumitomo Corporation" компанияси президенти Шинго Уэнони қабул қилди. Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ҳамда энергетика ва саноат соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Самарқанд вилоятида иккита қуёш электр станцияси ва энергия сақлаш тизимлари қурилиши бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Шундай лойиҳани шамол электр станциялари ва сақлаш қувватлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тез фурсатларда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Компаниянинг ўта юқори қучланишли кабел маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тез тиббий ёрдам машиналари паркин модернизация қилишда иштирок этиш режалари келишилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари корпорация билан 2030 йилгача мўлжалланган ҳамкорлик дастурини қабул қилишни таъкидлади.

Токиога ташрифининг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Акасака саройида Япония Бош вазири номидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари шарафига ўтказилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон етакчисини Япония Бош вазири Санаэ Такаичи кутиб олди.

Тадбирда Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг Япония ҳукумати раҳбари билан музокаралари ҳамда "Марказий Осиё + Япония" мулоқотининг биринчи саммити доирасидаги асосий тадбирлари 20 декабрь куни бўлиб ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

◀ Қонунни қабул қилиш заруратида алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу зарурат янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши, унинг қоидалари бир хилда қанчалиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштиришда келиб чиқмоқда.

Мазкур қонунда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳокимлар лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги сабабли 9 та кодекс ва 69 та қонун қайта қўриб чиқилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган ваколатларни маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ўртасида ихтисослаштириш назарда тутилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким тамойили асосида вакиллик ҳамда ижро органлари ўртасида аниқ тақсимланганлиги, маҳаллий Кенгаш ва ҳокимликларнинг фаолиятига хос бўлмаган ҳамда республика ижро этувчи органлар ваколатларига оид тақдорлануви 8 та вазифа бекор қилинаётганлиги муҳокамадор давомида сенаторлар томонидан таъкидланди.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг кейинги босқичи амалга оширилишига, Конституцияда белгиланган ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланганига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этиш янги моделининг тўлиқ амалга оширишга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ёнгиналарнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёнгиналарнинг олдини олиш ҳамда ёнгина хавфсизлиги соҳасидаги давлат назоратини тақомиллаштириш борасида кенг қўламли чоралар кўриломоқда. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ҳамда юридик

шахсларнинг мол-мулкни ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, бу борада яхлит ёнгина хавфсизлиги тизимини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ёнгиналарнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни кучайтириш билан бир қаторда ёнгина хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш зарурати ҳам мавжуд.

Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ёнгина хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиши ҳамда "Ёнгина хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга давлат ёнгина назорати органларининг ваколатлари аниқлаштирилиши назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимча киритилмоқда.

Хусусан, "Ёнгина хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси тўлдирилмоқда. Жумладан, Факултода вазиятлар вазирлигида ёнгиналар билан боғлиқ факултода вазиятларнинг ҳамда аҳолининг ҳаётига ва соғлиғига бошқача тарзда муқаррар хавф пайдо бўлишининг олди олиниши муносабати билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ваколати берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун ёнгиналарнинг олдини олишга, ёнгина хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир чоралари янада самарали қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, ўн иккинчи ялпи мажлисида "Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш, жиноят

процессига гувоҳ сифатида жалб этишининг аниқ механизмларини белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга боғлиқлик нисбатан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиламоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига воёга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлигини ҳамда уларни сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилларнинг иштирок этиши тартибини белгиловчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун жиноятларнинг олдини олишга, содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида "Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини янада тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Қурул тўғрисида"ги ҳамда "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонунларга қўшимча ҳамда ўзгаришлар киритилмоқда.

Хусусан, ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида совуқ қурулни олиб юриш ҳуқуқбузарлигини бир йил давомида тақдоран содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Жумладан, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорини беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексини 126¹-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида назарда тутилган оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида руҳсатнома бермасликка сабаб бўлади. Агар ҳуқуқбузарда ўқотар қурул мавжуд бўлса, ушбу ўқотар қурул ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйишнинг назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ичкиликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш учун бир йил мобайнида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортиш эмас, балки бир йил давомида бир марта маъмурий жавобгарликка тортилганлик асос бўлиши белгиланмоқда.

Бунда шахсни мажбурий даволанишга муҳтож деб топил ваколатини олиш ҳудудларда ихтисослаштирилган туманларо тиббий комиссияларга ҳам бериш, шунингдек, наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган туманларо тиббий комиссия тузиладиган олиш ҳудудлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлангани назарда тутилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши маҳалларда хавфсиз муҳитни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича жойларда профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун маъқуллади. Шу билан бирга, ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда давлат органларининг масъулиятини ошириш, ихчам бошқарув тизимини шакллантириш, давлат бюрократияларининг товларига (ишларга, хизматларга) бўлган эътиборларини таъминлаш жараёнини тақомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш механизмларини тақомиллаштириш зарурати юзага келаётганлиги алоҳида урғу берилди. Бунда давлат органлари ва

ташкilotларининг масъулиятини ошириш, интеллектуал мулк объектлари ҳамда уларнинг товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг муҳофазасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Жумладан, охириги уч йилда Ўзбекистонда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Хусусан, 2023 йилда 3 155 та гувоҳнома берилган бўлса, ушбу қўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида 4 484 тага етган.

Ш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Юнус БҮРИЕВ олган сурат.

1, 2 Таъкидланганидек, айрим турдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда келиб чиқадиган оқибат миқдорига нисбатан номуносиваблиги учун ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда.

Қонун билан қатор қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жумладан, “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шугулланувчи юридик шахслар ифлослантирувчи манбаларда ўрнатилган автоматик мониторинг станциялари маълумотларини Атроф-муҳит давлат мониторинг тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига реал вақт режимида киритиши мажбурийлиги қайд этилмоқда.

Шунингдек, “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунда фуқаролар белгиланмаган жойга ташлаган чикиндисини олиб чиқиш кетиши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда чикиндиларни олиб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаб бериши шартлиги назарда тутилмоқда.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга давлат ўрмон фондида қирмайдиган дараклар ва буталарни кўчириб ўтиш учун рухсатнома бериш тартибини жорий этиш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

Атроф-табиий муҳитни ифлослантирилганлик, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини бузганлик, экинзорларни, ўрмонларни, даракларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантирилганлик, нобуд қилганлик учун жиноий жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, аҳоли тушларидаги ирригация тизимларини қўйиб ташлаганлик, кўп квартираларни уйга туташ тупроқли ва яшил қопламали ер участкасини ўзбошимчалик билан бетонлаштириш каби қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва аҳоли учун қўлай экологик муҳит яратишга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга, биологик хилма-хилликни асрашга, табиий ресурсларнинг кафолатланган ҳимояланishiга хизмат қилади.

Муҳокама сўрада қонун маъқулланди. Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, кишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга, аҳолини сифатли ва хавфсизлиги кафолатланган дори воситалари ҳамда табиий буюмлар билан таъминлашга қаратилган илмий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ер кодекси ҳамда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Ер кодексида ер участкасини ижарага олиш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат беришни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга фермер хўжалиги раҳбари тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга йўл қўйилмайдиган ишга қабул қилинганда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўз оила аъзоларидан бирига бериши мумкинлиги белгиланмоқда.

Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда товарлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланishiга ёки реализация қилинишига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёхуд тўқсизлик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Шунингдек, дори воситаларини рецетп бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари учун амалдаги виза муддатини кўп марталик виза этиб узайтирилганлик ҳамда

“Ватандош” картаси эгаси ва унинг оила аъзолари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказилганлик муддати узайтирилганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга замин яратди. Бундан ташқари, аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, дори воситаларини реализация этиш талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадларига ҳам эришилди.

Сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади. Ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги уй-жой сиёсатини изчил амалга оширишга ва инфратузилмани, транспорт ва логистика йўналишларини ривожлантириш, янги коридорлар яратиш ва савдо айланмасини оширишга хизмат қилади.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликка оид ташаббусларини амалга оширишга, “Марказий Осиё — Хитой” формати доирасидаги конструктив мулоқот ва амалий шерикликни янада кучайтиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолига уй-жой коммунал хизматлар кўрсатишнинг тўғри йўлини таъминлаш ҳамда коммунал хизматларнинг бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ва ўз ечимини кутаётган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Жумладан, айрим бошқарув компаниялари томонидан мажбурий бадалларни белгилашда “Кўп квартиралар уйлари билан боғлиқ тўғрисида”ги Қонунга риоя қилинмаганлик ҳамда кўрсатилаётган хизматлар ҳақида уй-жой мулкдорларига ўз вақтида ҳисобот бермаслиги мулкдорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, кўп квартиралар уйлар мулкдорларининг розилигисиз уй ертўласи ижарага берилиши, шунингдек, ижарага берилган умумий мол-мулкнинг ижараси тўғрисидаги маълумотлар “Мening uyim” биллинг тизимига бириктирилмагани ҳамда бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ишлари олиб борилмаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама якунида шу каби бир қатор масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазири Б. Захидовга меҳнат қонунчилиги риоя қилиниши юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида давлат идоралари, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, хавфсиз ва қўлай меҳнат шaroитларини таъминлаш, адолатли ҳақ тўлиниши ва меҳнат муносабатлари шаффоқлигини кучайтиришга қаратилган 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу соҳада давлат меҳнат инспекцияси томонидан жорий йилнинг 12 840 та давлат назорати тадбири ўтказилиб, 28 801 та қонунбузулиш ҳолати аниқланган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида мансабдор шахсларга 5 715 та ёзма кўрсатма ва 150 та тақдимнома киритилган. Шунингдек, норасмий бандликни қисқарттириш мақсадида 15 180 та корхона хатловдан ўтказилиб, 69,5 минг иш ўрни расмийлаштирилган.

Шу билан бирга, сенаторлар айрим йўналишларда ҳал этилиши зарур бўлган жиддий муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидладилар. Жумладан, Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ўтган йилдаги нисбатан 32 фоизга камайгани соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ошишига хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди. Иш жойларида техник хавфсизлик талабларига амал қилинмагани оқибатида 524 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, 806 нафар ходим жабрланган. Улардан 139 нафари ҳалок бўлган, 417 нафари оғир, 250 нафари енгил тан жароҳати олган ҳолатнинг жиддийлигидан дарак беради.

Бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаблари сифатида иш берувчилар томонидан соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларининг яратилмагани, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга етишмовчиликлар, меҳнатни муҳофизат қилиш қонунларида амал қилинмагани ва ходимларнинг хавфсизлик маданиятига эътиборсизлиги келтириб ўтилди. Қонунбузарликлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 61 та жиноят ишлари кўзга тутилган.

Бундан ташқари, давлат ташкилотлари томонидан қонуннинг ишдан бўшатиш ҳолатлари ишга тиклашга оид 261 та суд қарори ўз вақтида ижро этилмагани, бу эса аҳоли норозилиги юзасига келишига ва Давлат бюджетидан қўшимча харажатларга сабаб бўлгани сенаторлар томонидан қатъий танқид қилинди.

Муҳокама якунида парламент сўрови натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, меҳнат қонунчилиги ижроси ва меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланishiни кучайтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Сенаторлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори М. Ғамбарбековга юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида акс этган масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, ҳисобот даврида 4,2 миллионга ижро ҳужжати бўйича қардорликлар ундирилиб, бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 48 фоизга ортган.

Шу даврда жами 29,9 триллион сўм, жумладан, давлат фойдасига 17,9 триллион сўм ундирилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан умумий ундирув 2,9 триллион сўмга (11 фоиз), давлатга ундирув эса 7,6 триллион сўмга (73 фоиз) ошган.

Мажбурий ижро соҳасига ахборот-технологияларини кенг жорий этиш ва ижро жараёнида инсон омилни камайитириш мақсадида “МИБ-Портал” дастури 39 та вазирлик, идора ва ташкилотнинг 68 та ахборот тизимига интеграция қилинган. Соҳани рақамлаштириш натижасида Бюрода 20 тадан ортиқ ахборот тизимлари ишлаб чиқилган ва 95 миллиард сўм маблағлар тежаланишига эришилган.

Шу билан бирга, парламент сўровидаги айрим масалалар ҳамон долзарблигича қолаётгани қайд этилди.

Жумладан, “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилган маблағлар ҳамда уларнинг жамғармага қайтарилиши юзасидан етарлича чора-тадбирлар амалга оширилмаган.

Суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийлигини амалда таъминлаш борасида қўрилаётган чоралар етарли бўлмаганлиги боис айрим ҳокимликлар, давлат улуши 50 фоиздан оқори бўлган ва бюджет ташкилотлари томонидан қарздорлик ўз вақтида тўланмасдан қолмоқда.

Сенаторлар соҳага сўнавий интеллект технологияларини жорий қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш, мажбурулов механизмидан фойдаланмаган ҳолда ижро этиладиган ҳужжатлар тоифасини янада кенгайтириш каби йўналишларга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. Шариповга талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, олий таълим муассасаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида вазирлик томонидан алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Жамоатчилик гуруҳи профилактика инспекторлари билан келишган ҳолда талабалар шарҳчаси ва ётоқхона атрофида 24 соатлик навбатчилик ҳамда патруллик хизматини ташкил этди.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб “Ижтимоий фаоллик индекси” жорий этилиб, талабаларнинг маънавий-маърифий ва спорт соҳаларидаги фаоллиги, барча хатти-ҳаракатлари платформа орқали онлайн баҳолаб берилмоқда.

Жорий ўқув йилида “Маърифат улашиб” ҳамда “Адабий-маърифий ҳафталик” лойиҳаларига 280 минг, “Ислохотлар билимдони”, “Китобхон”, “Маърифат майдони” каби лойиҳаларга 450 минг талаба қамраб олинди.

Ички туризмни ривожлантириш, тарихий обидалар, маданий мерос объектилари, театр ва музейларга ташрифларини ташкил этиш орқали талабаларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида жорий ўқув йилида ҳам ташриф ва саяҳатлар ташкил этилиб, уларга 1 миллиондан ортиқ талаба-ёшлар жалб этилиши белгиланди.

“Талабалар лигаси”, “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Универсиада” спорт мусобақаларига қамров — 540 мингга етказилди.

“Жаҳолатга қарши маърифат билан” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирларга 620 минг талаба қамраб олинди.

Олий таълим ташкилотларининг барча бакалаврият таълим йўналишлари учун ўтиладиган Фалсафа фанига “Коррупциянинг моҳияти, оқибатлари ва унга қарши курашиш механизми” ва “Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорлигининг мақсадлари ва йўналишлари” ҳамда бошқа мавзулар киритилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш” махсус ўқув курси дастури асосида барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун жадал асосида 16 соатлик махсус курс машғулоти ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда соҳада ўз ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Олий таълим муассасалари ётоқхоналарига талабалар кириш-чиқишини мониторинг қилиши рақамлаштириш мақсадида “Face-ID” камера ва турникетлар ўрнатиш мақсадида мувофиқ бўлса-да, ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаганлиги натижасида айрим олий таълим ташкилотларида ушбу тизим ўрнатилмаган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида талабалар томонидан 487 та жиноят содир этилиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105 тага ёки 13 фоизга камайган бўлса-да, бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабалар билан маънавий-маърифий ишларни олиб бориш ҳамда ота-оналар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйишга етарли эътибор қаратилмаганлиги сабабли талабалар ўртасидаги жиноятчилик тўлиқ бартараф қилинмаган.

Сенаторлар ёшларга яратилаётган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш лозимлиги ҳамда ёшларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш билан бирга жиноятчиликка қарши курашиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг қабул қилинган қарорига асосан М. Каландарова Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг доимий асосдаги аъзоси — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Бундан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорига асосан М. Каландарова Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг доимий асосдаги аъзоси — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг қабул қилинган қарорига асосан М. Каландарова Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг доимий асосдаги аъзоси — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, Абросов Акрамов, Джахангир Джураев, Носир Зайнабидинов, Мансурбек Курбанов, Жамолладин Қуръзов, Уктама Мамадиев, Шухрат Муллажанов, Умида Нишоновна ва Одижон Турдиев ўн йиллик муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Бошқа ишга ўтганини муносабати билан О. Исмаилов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — судлов хайъати раиси этиб сайланди.

Б. Эргашев, шунингдек, ўз аризасига биноан А. Бекманов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисида жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 26 та масала, шу жумладан, 19 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Назарий физика институти ташкил этилади.

Ўзгариб бораётган Ўзбекистон қиёфаси

Дипломатик миссия раҳбари таъкидлаганидек, қисқа вақт ичида Исломободда Ўзбекистон ҳақида учта муҳим китоб — Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” ҳамда Меҳмуд ул-Ҳасан Хоннинг “Шавкат Мирзиёев: ислохотлар ва минтақавий интеграциянинг буюк етакчиси” ҳамда Қудратилла Рафиқов муаллифлигидаги “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” номи асарларнинг кенг жамоатчиликамга тақдим этилгани Покстон илмий-академик доира вакиллари орасида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортаётганидан далолат беради.

Хусусан, Қудратилла Рафиқовнинг асаридида кўрсатилган амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар жараёни, иқтисодийни либераллаштириш, камбағалликни қисқартириш, ташқи сиёсат, маданий дипломатия ва минтақавий интеграция каби масалалар батафсил ёритилгани қайд этилди.

Эътироф этилдики, кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб, томонлар Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи стратегик лойиҳалар, жумладан, Трансафғон темир йўлини қуриш устида изчил ҳамкорлик қилаётди. Ҳозирда 2 млрд. АҚШ долларига етказиш бўйича қўшма чоралар ишлаб чиқилаётгани эса эътиборга лойик, албатта.

Тақдиротда сенатор Хусан Эрматов сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги ислохотлар тизими ва қамровли тусга эга эканини, улар мамлакатнинг мураккаб янги қиёфасини шакллантираётганини таъкидлади. Иштирокчиларга тақдими ўтказилаётган китобнинг мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, сиёсий эсселарнинг ҳар бири тарихий аҳамият касб этувчи муҳим лойиҳалар, воқеликларга асосланган, бунда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, жумладан, минтақавий сиёсат борасида қисқа муддатда эришилган натижалар таҳлилига бағишланганига эътибор қаратди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази директори Элдор Туляковнинг фикрича, Ўзбекистонда давлат ва жамият муносабатларини тубдан қайта шакллантиришга қаратилган кенг қамровли сиёсий ислохотлар амалга ошириляпти. “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби айнан шу жараёнларни тизимли таҳлил қилиб, мамлакат тараққиётининг янги модели шакллантиришни очиб бергани билан аҳамиятлидир.

— Ўзбекистон — аjoyиб мамлакат, — деди Покстон Президентининг Матбуот котиби Муртазо Салани. — Мамлакатларимиз ва халқларимизни ўзаро боғлаб турган ришталар жуда кўп. Ўзбекистон — Покстон ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун имкониятларимиз ҳам чексиз. Яқинда Ўзбекистонга сафар қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларига бевосита гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган қиёфаси таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, инфратузилма ва бошқарув тизимида ҳам намойён.

Самимий руҳда ўтган анжуман якунида иштирокчиларга китоб соғва қилиниб, улар миллий санъат намуналари кўргазмаси билан таништирилди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

КЕЛАЖАК САНОАТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Бугун Ўзбекистон — Япония муносабатлари тарихида муҳим босқичга гувоҳ бўлмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасида ўтказилган ишбилармонлик учрашуви икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий шериклик янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилганини яққол намойён қилди.

Учрашувда Япониянинг етакчи саноат гигантлари, йирик молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарларининг иштирок этгани томонлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва узоқ муддатли ҳамкорликка бўлган қатъий интилишдан далолат беради. Президентимиз таъкидлаганидек, сўнгги йилларда Япония компанияларининг Ўзбекистондаги иштироки тубдан ўзгарди. Агар илгари улар пудратчи сифатида фаолият юритган бўлса, бугун инвестиция киритиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, технологиялар трансфери ва миллий кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Бу ўзгаришлар натижасида Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ва технологик шерикларидан бирига айлан-

ди. Охириги саккиз йилда товар айирбошлаш ҳажмининг икки баравар ошгани, мамлакатимизда фаолият юритаётган япон компаниялари сонининг ун карра кўпайгани бунга яққол мисолдир.

Учрашувда Президентимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик мақсадларига алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнгги саккиз йилда ялпи ички маҳсулот икки бараварга ошди, 2030 йилга қадар эса мамлакатни ўрта даражадан юқори даромадли давлатлар қаторига киритиш мақсади қўйилган. Бу йўлда Япония ишбилармонлари саноатлашувни жадаллаштириш, илгор технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди.

Энергетик барқарорлик, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, машинасозлик, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект — булар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Шунингдек, Япония модели асосида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ташаббуси ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Японияни фақат инвестор эмас, балки келажак саноатини барпо этишда стратегик ҳамкор сифатида кўради. Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга бўлган қатъий интилиши эса ушбу шерикликнинг мустақкам ва узоқ муддатли бўлишидан далолат беради.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари кўмитаси аъзоси.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА ОИД МУҲИМ КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, Япония Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутди. Икки мамлакат ўртасидаги қарийб 34 йиллик муносабатлар ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва узоқ муддатли шериклик тамойилларига асосланган бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор сифатида эътироф этиб, минтақада барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Япониянинг “Марказий Осиё + Япония” мулоқот формати доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда Президентимизнинг етакчилиги ва ташаббуси туфайли Марказий Осиёнинг бошқа давлатларининг ҳам ушбу форматга қизиқиши ҳамда кенг қўламли ҳамкорлик интилиши ошмоқда.

Икки мамлакат парламентларо алоқаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, қонунчилик соҳасида тажриба алмашувини амалга ошириб келмоқда. Бу эса давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизимни тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакат парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти ҳамда Вакиллар палатаси спикери билан учрашуви яқин келажакда стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда

парламентларо алоқани янада яқинлаштириш имконини беради.

Эътиборлиси, ёшларнинг парламентга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон — Япония ёшлар парламентлари аъзолари форумини ўтказиш, парламентларнинг кўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Япония префектуралари ассамблеялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш каби келишувларга эришилди.

Бу келишувлар Ўзбекистон парламенти учун, аввало, парламент дипломатиясини тизимли ва институционал асосда ривожлантириш имконини беради. Кўмиталар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатилиши қонун ижодкорлиги жараёнида аниқ соҳалар бўйича чуқур тажриба алмашишга хизмат қилади. Бу, айниқса, иқтисодиёт, саноат, экология, рақамлаштириш ва ижтимоий соҳаларда қонунларни тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон — Япония ёшлар парламентлари аъзолари форумини ўтказиш

ташаббуси эса узоқ муддатли стратегик аҳамиятга эга. Бу орқали ёш депутатлар ва ёш сиёсий етакчиларнинг қонун ижодкорлиги қўлқамлари ривожланади. Шунингдек, парламент фаолиятига инновация ва замонавий ёндашувлар кириб келади.

Давлатимиз раҳбарининг Кунчиқар юрты қилган ташрифи ҳар томонлама юқори натижаларга бой бўлганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Бунга ташриф доирасида Император Нарухито, Япония парламент раҳбарлари, Либерал-демократик партияси вице-президенти Таро Асо, Иқтисодиёт, саноат ва савдо вазир Рёсэй Аказава ҳамда мамлакатнинг етакчи компаниялари, молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашувлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ташриф Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги инвестиция имкониятларини очди. Япония томонидан амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари аҳоли учун янги иш ўринлари яратилиши, замонавий технологиялар кириб келиши ҳамда хизматлар сифати ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Демак, айтиш мумкинки, бу ташриф давлатларо стратегик шерикликни мустақкамлаб, унинг натижалари аҳоли ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келиши билан аҳамиятлидир.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРГА ТИЗИМЛИ ЕЧИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Таъбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси томонидан фуқароларнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларни кафолатли Ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан эшитув ўтказилди.



Унда депутатлар, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Иқтисодиёт ва молия, Адлия вазирликлари, Марказий банк мутасаддилари, таъбиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳар бир шахснинг уй-жойга эга бўлиш ҳақидаги ҳуқуқлари қучайтирилиб, унинг амалга оширилиши давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, ипотека кредити шартлари соддалаштирилиб, уй-жой сотиб олиш учун субсидиялар ажратилмоқда. Соҳада фаолият юритаётган таъбиркорлар рағбатлантириляпти.

Илгирликда фуқароларнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларни кафолатли Ҳимоя қилиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ва режалаштирилган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, кўп квартиралы уйлاردан хонадон сотиб олишда аҳоли маблағлари Ҳимоясини кафолатлайдиган, ҳисоб-китоблар махсус очиладиган банк ҳисобвараги орқали амалга ошириладиган тизим ишга туширилиши кутулимоқда. Ушбу тизим фуқароларнинг уй-жой қурилиши учун ажратадиган маблағларнинг кафолатли Ҳимоясини қучайтириб, уй-жой сотиб олинишда дуч келинадиган айрим муаммоларга самарали ечим бўла олади.

Мутасаддиларнинг айтишича, бу янгиликларни назарда тутиб қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, ҳозирда тегишли расмийлаштириш ва жамоатчилик муҳокамасига қўйиш учун тайёрлаш ишлари кетмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар томонидан ушбу қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш жараёнини тезлаштириш, соҳага таъсирини чуқурроқ ўрганиш ҳамда лойиҳа юзасидан жамоатчилик муҳокамаси давомида билдирилган тақлиф ва фирқ-мулоҳазаларни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, уларни лойиҳада акс эттириш бўйича вазирлик ва идораларга тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, қурувчи ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларда юзага келмаётган муаммолар, соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, фуқароларнинг мунозараларида кўтарилаётган масалаларни атрофлиқ ўрганиб чиқиш ва самарали ечим бериш юзасидан қатор тақлифлар илгари сурилди.

Яқинда уй-жой сотиб олишда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш, қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

ФАОЛИЯТДАГИ НАТИЖАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлари ўринбосарларининг республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда дастлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши муҳокама қилинди. Унга кўра, 2025 йил 61 та энг муҳим кўрсаткич (КР) ижросининг умумий натижадорлиги 99,9 фоизга етган. Учинчи чорада вазирлик деярли тўлиқ ҳажда самарадорликка эришган.

Хусусан, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини таъминлаш бўйича белгиланган режа кўрсаткичи 5,9 фоиз бўлса, ижроси 7,6 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,8 фоиз режага ўсишини таъминлаш бўйича кўрсаткич ижроси 6,8 фоизга етган.

“Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосидаги лойиҳалар учун маблағ ажратиш бўйича режа кўрсаткичи 6,3 трлн. сўмни ташкил этиб, ижроси 6,4 трлн. сўмга таъминланган. Давлат ва мақсадли жамғармалар бюджети таққилигини 2025 йил йиллик ЯИМ прогнозига нисбатан бўйича белгиланган режа кўрсаткичи 1,9 фоиз бўлса, ижроси 1,8 фоизга бажарилган.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши муҳокамасида депутатлар аниқ рақам ва кўрсаткичларга эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 9 ойида 30,5 млрд. долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда 35,7 млрд. доллар инвестициялар ўзлаштирилган. Шунингдек, қиймати 3,8 млрд. долларлик 92 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа ишга туширилиб, 11,2 мингта иш ўрни яратилганлиги депутатлар эътиборида бўлди.

Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича 1 814 та лойиҳа доирасида 78 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа кўрсаткичи 128 фоизга бажарилган. Натижада импорт ўрнини босиш самарадорлиги 6,3 млрд. долларни ташкил этиб, 1 085 млн. долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилган, лойиҳалар доирасида 9 864 та янги иш ўрни яратилганини халқ вакиллари ижобий баҳолади.

Йиғилишда Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлари ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, йиллик инфляция даражасининг 8 фоиздан ошмаслигини таъминлаш чораларини қўриш, Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йиллида амалга оширишга оид давлат дастури доирасида белгиланган мақсадли кўрсаткичларни йил якунига қадар 15 фоизга етказиш лозимлиги таъкидланди.

Яқинда кун тартибидига масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЎНГИЛГА ҚУЁШНИ ЖО АЙЛАБ ЯШАШ ЗАВҚИ

Тафаккур қувватининг қай даражада экани олим салоҳиятини белгиловчи мезон ҳисоблана-да, ҳали бу ўлчов ҳам чинакам билим соҳибининг қалб ва қиёфасини яқин намойён эта олмадлиги мумкин. Тарих ҳамда тажрибадан аёнки, ҳақиқий олим ҳар томонлама бегўҳтов шаклланиб боради ва охири-оқибат бир ўлчовга сиғмай қолади. Сиғмаслик замиридан, албатта, олим шахсини юксалтирувчи фазилатлар бўй чўзади.

Илм-фан фидойилари

Агар бу фазилатлар фан равнақи, эл манфаати ва инсон камолоти учун йўналтирилган бўлса, тафаккурнинг куч-қуввати жамият тараққиётига ўз таъсирини муттасил ўтказаверади. Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Сирожиддин Зайнобиддинов ана шу куч-қудратни ўзида жо айлаган замонавий ҳақрамонидир.

Домладаги бегарз самимият, бағрикенглик, ҳалоллик, илмпарварлик, шогирдсеварлик, фидойилик ҳар қанда ҳам жамулжам бўлавермайди. Бу инсон мамлакатимиз илм аҳли орасида ўзининг олимлик фаолияти, илмий тафаккури ва ўткир мушоҳадалари билан обрў-эътибор топган.

Сирожиддин ака 1978 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси ФА Физика-техника институтининг махсус Кенгашида “Кремний хоссаларига ўтма элементлар киришмаларининг аэрозоллар билан биргаликдаги таъсири” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли Ҳимоя қилди ҳамда яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассислиги бўйича фан номзоди илмий даражасини қўлга киритди.

Диссертация муҳокамасида қатнашган етук мутахассислар ёш олим томонидан кенг қўламада ва юқори савияда фан-техника учун муҳим тадқиқотлар амалга оширилганини тасдиқлади ҳамда бу йўналишдаги ишларни яна давом эттириш кераклигини маслаҳат берди.

Тиниб-тинчимас олим Санкт-Петербург Политехника институти ихтисослашган Кенгашида физика-математика фанлари доктори илмий даражага эришган диссертациясини муваффақиятли Ҳимоя қилди.

Абу Райхон Беруний номидаги Давлат муқофоти билан тақдирланган олимнинг фан йўналишида тан олинган арбоблар силсиласида ўзига хос шарафли ўрнини белгилаб берди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, унинг илмий фаолияти халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилди. Бунинг натижаси ўлароқ С. Зайнобиддинов Англия ҳақон биографик маркази аъзоси, шунингдек, АҚШнинг Нью-Йорк академияси, Олий таълим Халқаро фанлар академияси (Россия), Халқаро таълим, фан, техника ва санъат академияси (АҚШ), Грузиянинг таълим ва туризм ака-

демияси аъзоси этиб сайланди. АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларининг қатор нуфузли университетларида яримўтказгичлар физикаси, кремнийнинг жозибадорлиги бўйича чуқур, мазмунан тевар маърузалари билан фаол иштирок этди.

Олим қаерда ишламасин, илм-фан равнақи учун астойдил жон куйдиради. У турли олийгоҳлар илмий кенгашларининг раиси ҳамда аъзоси сифатида мамлакатимизда физика фани ва таълимини ривожлантириш, ютуқларини оммалаштириш, ўз соҳасининг фидойи ва етук намояндалари фаолиятини тарғиб этиш ишларини ибратли тарзда бажариб келмоқда.

Халқимиз орасида “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган нақл бор. Балки одамгарчиликни, инсонийликни нуттган, фақат ўзини ўйлайдиган, ўзи учун қайгуриб, фақат ўзимга бўлсин деб яшайдиганлар осонгина олим бўлар. Лекин илм тараққиётини ўйлайдиган, эл-юрт манфаатини юксак тутадиган ҳақиқий олим учун илм қилиш машаққатли иш эмас. Устозимиз ҳам олим, ҳам чинакам одам бўлишдек даражага етишган.

С. Зайнобиддинов Андижон давлат университетига раҳбарлик қилган йилларида олийгоҳ нафақат ташқи кўриниши, балки тайёрланаётган кадрларнинг билим даражаси ва рақобатбардорлиги, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, талабаларнинг турли илмий олимпиадалардаги иштироки, давлат муқофотларига сазовор бўлиши, спорт, санъат мусобақа ҳамда танловларида юқори ўрин-

ларни эгаллагани боис илгорлар қаторига ўтиб олди.

Сирожиддин акадаги барчамиз учун ҳавас уйғотадиган фазилатлардан яна бири устоз ва шогирдлик мақомини жуда мустақкам тутишида, сўздаям, амалдаям икки жиҳатни теппа-тенг юритишида кўзга ташланади. Домлани мукамал устозга айланган олим — унинг ўз соҳасини чуқур биладиган мутахассис эканлиги бўлса, иккинчиси, ибратли, одамий фазилатлари ҳамда туғма педагоглик гигадири. Устоз ҳар бир шогирдига ўз фарзандидек қарайди. Унинг тақдирини учун жон куйдиради. Уларнинг ота-оналари, хатто боболари билан астойдил гаплашди, яқинлик ришталарини маҳкам боғлайди. Яна эътиборли жиҳат, домлани шогирдлари билан суҳбат мунозараларда овозини баланд кўтариб, уларнинг шахсиятига тегадиган ёки камситадиган бирон оғиз гап айтганини ҳеч эшитмаган. Шунинг учун шогирдлари домланинг таълим ва тарбия бўла бериладиган маслаҳат ва ўғит-ларини ҳаммаша малҳамдек қабул қилади.

Олим устозлари аънаналарини давом эттириб, яримўтказгичлар физикаси йўналиши тараққиёти ва унинг очилмаган қирраларини тадқиқ қилиш борасида ёш изланувчилар билан илмий ишлар олиб бормоқда, муносиб шогирдлар тайёрламоқда. Унинг раҳбарлигида 11 нафар фан доктори ва 30 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди. Шогирдлари ҳозир ўринимизнинг деярли барча вилоятларида фан ва таълим соҳасида хизмат қилмоқда. Яна ўндан зиёд тадқиқотчилар физика-математика бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун фаол изланмоқда.

У табиатан тиниб-тинчимас олим, дунёқараши кенг инсон. Айниқса, баъдий адабиёт жону дили. Хонадонда катта кутубхонага эга.

Адабиётга бундай меҳр-муҳаббати кўлаб таниқли шоир, ёзувчи, олимлар билан яқиндан дўстлашишга ва ҳамкорлик қилишга одатланган тўғрили бўлса керак. Назаримда, домланинг фоанли даврадасида муносиб ўрин эгаллашга қўйдаги икки фазилати туртки бўлган бўлса ажаб эмас. Биринчиси, олимнинг суҳбати жонон, файзли оҳанрабога эгалли бўлса, иккинчиси, баъдий сўзга астойдил шайдолиги билан белгиланади.

Сирожиддин Зайнобиддинов — кўнглига қуёшни жо айлаб яшаётган юртимиз ойдиларидан бири. Чунки қуёш — ёруғлик, яъни эзгулик тимсоли. Унинг нури ила бо олам мавжуд ва гўзал. Инсон кўнглидаги меҳр ҳам қуёш нури кабудир. Дунёнинг борлиги ва гўзаллиги ҳам кўнглида қуёш чарақлаб турган мана шундай инсонларнинг меҳридан, бағрикенглигидан, саҳийлигидан, саховатидан, мурувватидан, десак, айна ҳақиқат.

Баҳодир РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

2027 йил 1 августдан Конституциявий суд фаолиятига бир қатор имкониятларга эга «Е-KSUD» ахборот тизими синов тариқасида жорий этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетми ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259